

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2015 йил
19 декабрь
ШАНБА
№ 101 (12841)

www.th.uz

Парламент сўрови

ҚИШЛОҚ ВА СУВ ҲЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛАРИ ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

Жорий йилнинг 17 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигига "Ўзбекистонда сувни тежовчи технологиялардан фойдаланиш ҳолати ва унинг самарадорлигини ошириш истиқболлари, қишлоқ ҳўжалиги корхоналарида замонавий техника ва технологияларни жорий этиш тўғрисида"ги масала юзасидан "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси ташаббуси билан юборилган парламент сўрови бўйича ахборотни эшитдилар.

Тадбирда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва муассасаларнинг вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Қонунчилик палатаси томонидан қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигига юборилган парламент сўровида "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунда белгиланган сувни тежовчи технологияларни ва илгор суғориш техникасини жорий этиш орқали суғориш воситалари ва ускуналарини тақомиллаштиришга қаратилган нормаларнинг вазирлик томонидан бажарилиш ҳолати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги "2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг амалдаги ижроси, шунингдек, мамлакатимизда сувни тежовчи технологиялардан самарали фойдаланиш ҳамда уларни жорий этишни жадаллаштириш мақсадида амалдаги меъёрий ҳужжатларни

янада тақомиллаштириш юзасидан олиб бориладиган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот берилиши сўралган эди.

Вазирнинг ахборотини эшитиб депутатлар таъкидладиларки, ўтган йиллар мобайнида вазирлик томонидан мазкур масала юзасидан бир қатор ташкилий ва амалий ишлар бажарилган. Хусусан, сув ресурсларидан самарали ва мукамал фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, сақлаш ва истеъмолчиларга етказиб беришни ташкил этиш борасидаги вазирликнинг ҳал қилишда сув ҳўжалигининг гидро-техник ва бошқа муҳандислик иншоотларини, сув ресурсларини автоматик бошқариш каби тизимлардан кенг фойдаланилган.

Республика сув ҳўжалиги 180 минг километрлик суғориш тармоқларини, 160 мингта сув ҳўжалиги иншоотини, 800 та йирик иншоотни, йиллик электр энергияси сарфи 8 миллиард 200 миллион кВт соат бўлган 1496 та насос станциясини, 19 миллиард кубометрдан зиёдроқ ҳажмга эга бўлган 55 та сув омборини, 4124 та суғориш тик қудуғини ўз ичига олади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қарорни бажариш борасида 2013-2015 йиллар давомида 2575 километр узунликдаги коллектор тармоқлари реконструкция қилинди ва қуриди. 36 минг 957 километр узунликдаги очик ва 1 минг 564 километр ёпиқ горизонтал дренаж тармоқлари таъмирланди ва тикланди. "Ўзмелиомашлизинг" давлат лизинг компанияси орқали 477 донга замонавий мелiorатив техника ва механизмлар харид қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Семинар



ҚОНУНЛАР ВА УЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

Вилоят ҳокимлигида Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисида маъқуланган қонун ва қарорлар, Президент фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти

Олий Мажлис Сенатига Тошкент вилоятидан сайланган аъзолар, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, шаҳар ва туман Кенгашлари қошидаги доимий комиссиялар раислари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, тегишли вилоят бошқарма ва ташкилотлари, сиёсий партияларнинг вилоят бўлими раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, шунинг-

дек, селектор тарзида барча шаҳар ва туманлардаги мутасадди раҳбарлар иштирок этган мулоқотда Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисида қўрилган 15 та масаланинг мазмун-моҳияти тўғрисида атрафчилик фикр юритилди. Хусусан, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Гавҳар Али-

тини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида семинар ташкил этилди.

Семинарни вилоят ҳокими Аҳмадjon Усманов олиб борди.

мова ҳамда вилоятимиздан сайланган сенаторлар, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари қошидаги доимий комиссия раислари "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигини йиғирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида",

(Давоми 2-бетда).

Қобилjon ҒОҒУРОВ
олган суратлар.

Анжуман

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК



Муносабат

ЁШЛАРГА НАМУНАМИЗ

Мухтарам Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларини биз, нурунийлар зўр ҳаяжон ва қизиқиш билан тингладик. Маърузада таъкидланганидек, мамлакатимизни ҳар жиҳатдан жадал ривожлантириб, тараққий этган давлатлар даражасига етказиш давр талабидир. Бугунги кунда, ёшларимизнинг мукамал билим олишга, компютер технологияларини пухта эгаллашгани, чет тилларини ўрганаётгани бунга мустаҳкам заминдир.

Вилоят нурунийларини юртимиздаги барқарор тинчлик ва осуда ҳаёт, унинг бардавомлиги, халқимизнинг эртанги кунга ишончи қатъийлиги, Ватанимиз кундан кунга равнақ топаётгани беҳад қувонтирмоқда. Айниқса, юртимиз чегараларининг дахлсизлиги, маҳалларнинг тинч-хотиржамлиги, тўй-томашларнинг осойишта ўтаётгани, фуқаролар-

нинг томорка ерларидан унумли фойдаланиб, салмоқли даромад олаётгани, юзлаб намунавий уй-жойлар қад қўраётгани, раво йўллар барпо этилаётгани, фермер ҳўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани мамлакат тараққиётини янада жадаллаштирмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Мухтарам Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида "Мустақил ва янгиликларни қўллаб-қувватлаш, замон талабига жавоб берадиган авлодни шакллантиришга эришдик. Ватанимизнинг эртанги кунини, тақдирини ўз қўлига олишга қодир бўлган фарзандларимиз бугун минбарга чиқмоқда" деган сўзлари қалбларимизга қувонч бағишлады.

БУГУНГИ ЎҚУВЧИ — ЭРТАНГИ МУТАХАССИС

Дарҳақиқат, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш ва таълимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу соҳада кўпчиликнинг ҳавасини келтирадиган янги тизимнинг барпо этилаётгани ўзига хос тарихий ютуқга айланмоқда.

Бекобод шаҳар касб-хунар коллежларида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида ўқув жараёни давлат таълим стандартлари асосида

ташкил этилган. Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш, замонавий моддий-техник базадан самарали фойдаланишга, ўқув устахоналарида назарий ва амалий кўникмаларни уйғунлашган ҳолда эгаллашга эришилмоқда.

Шаҳримизда 6 та коллеж бўлиб, 6027 ўқувчи 45 та мутахассислик бўйича таҳсил олмақда. Уларга юқори малакали 495 педагог ва ишлаб чиқариш таълими усталари сабоқ беришаётир.

(Давоми 2-бетда).

Огоҳлик

Ота-боболаримиз: "Тинчликда ўтган ҳар бир куннинг байрам, унга шукр қилиш керак" дея бежиз айтишмаган. Шу маънода ҳар бир кунимиз байрамдек ўтаётган тинч, осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Мухтарам Президентимиз Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак муқофотларини топширар экан, шундай деди:

— Халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини, чегараларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш йўлида тоғдек таянч бўлиб келаётган жасур ва фидойи ҳарбийларимиз, ҳуқуқ-тартиб ҳодимларининг мардонавор хизмати тўғрисида. Мухтарам Президентимиз Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак муқофотларини топширар экан, шундай деди:

ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗНИ АСРАЙЛИК

Шунингдек, "...бугунги кунда бизнинг ўта нотинч ва таҳликали замонда яшаётганимиз, узоқ ва яқин атрафимизда қарама-қаршилик, зиддият ва қон тўкишлар, ҳаётнинг микдосида иқтисодий инқирозлар тобора кучайиб, вазият янада кескинлашиб бораётгани барчамизни катта ташвиш ва ҳавотирликка солмасдан қўймайди", дея таъкидлаганлари барчамизни ҳушёрлик, огоҳликка қорлаш табиий. Бу борада вилоятимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот

тадбирлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Вилоят ҳокимлиги ва ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида тузилган махсус режа асосида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, "Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида"ги Қонун тарғиботи бўйича ўтказилаётган учрашув, давра суҳбатлари ўз самарасини бераётгани шубҳасиз. Буни Юртбошимиз эътироф этиб, "...айниқса одамларимизнинг онгу таълимида олиб борилаётган маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот

даги воқеаларга дахлдорлиги, фуқаролик ва сиёсий фаоллиги кучайиб... ватанпарварлик туйғуси юксалиб бораётгани бугун эришаётган барча ютуқларимизнинг энг муҳим омил бўлмоқда..." дейди ишонч билан. Зеро, тинч, осуда ҳаёт, тезкор замон талаблари шуни тақозо этади. Бундай хайрли саъй-ҳаракатлар рўйбега йўл очиб бераётган тинчлик, осойишталикни асраш эса ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

(Давоми 2-бетда).

Кўрик-танлов

«МАҲАЛЛА — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА»

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг "Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини яна-

да оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар" Дастурида белгиланган вазифаларга қўра, "Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам!" шиори остида ўтказилаётган кўрик-танлов номи "Маҳалла — менинг тақдиримда" деб ўзгартирилди.

Танловнинг асосий мақсади ёшлар ўртасида тарихий хотира, юксак маънавият, ўзбек халқининг миллий анъаналари, маданий меросига ҳурмат каби фазилатлар-

қалби ва онгига мафқуравий имунитетни янада кучайтириш ва илгор иш тажрибаларни кенг омалаштиришдан иборат.

(Давоми 2-бетда).

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИНИ ЎЙЛАБ

Юқори Чирчиқ туманидаги вилоят эндокринология диспансерида 2016 йил "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши муносабати билан республика "Соғлом авлод учун" хайрия фонди ҳамда "Френд Азия" халқаро ташкилоти ҳамкорлигида "Фарзандлари соғлом юрт қудратлидир" мавзусида тадбир ташкил этилди.

— Бугунги кунда вилоятимизда 18 минг қандли диабет ҳамда 46 минг эндокрин касаллигига чалинган беморлар бор, — деди вилоят эндокринология диспансери бош шифокори Гулбаҳор Хидирова. — Шифохонамиз 70 ўринли бўлиб, 18 олий тоифали шифокор ва 38 ҳамшира тиббий хизмат кўрсатмоқда. Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад болаларни инсулин билан таъминлашни яхшилаш ҳамда қандли диабет тарқалишининг олдини олиш ва даволаш усуллари тақомиллаштиришдир. Шу ўринда тадбиримизда иштирок этиб, бемор болаларга 5 миллион сўмлик инсулин дори воситаларини ҳомий сифатида ажратган "Френд Азия" халқаро ташкилоти раҳбари жаноб Пак Канг Юнга миннатдорчилик билдирдимиз.

— Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги: "Ҳақиқатдан ҳам, болага эътибор бўлажак онага эътибор қаратишдан бошлангани керак. Чунки ҳомиладор аёлнинг руҳий-физиологик ҳолати, барча ҳис-туйғулари, кайфияти она вужуди орқали болага ўтади. Бундан хулоса шуки, болани эъзозлаш учун аввало онани эъзозлаш керак. Бу борада барчамиз масъул эканлигимизни унутмаслигимиз зарур" деган фикрлари кўпчилик катори мени ҳам тўлқинлантириб юборди, — деди Халқ депутатлари туман Кенгаши депутаты, олий тоифали шифокор Мирали Обидов. — Зеро, она соғлом бўлса, бола соғлом дунёга келади. Бугунги тадбирда болалар ва ўсимирларга инсулин доридармонлари тарқатиш билан бирга улардан фойдаланиш ҳамда қандли диабет, эндокрин касалликларининг олдини олиш юзасидан кўплаб фикр-мулохазалар билдирилган ўз самарасини беради, албатта.

М. ЛАТИФОВ.

Парламент сўрови

ҚИШЛОҚ ВА СУВ ҲЎЖАЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ҲОЛАТИ
ВА ИСТИҚБОЛАРИ ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

Шу билан бирга, 2013-2015 йилларда жами 890 километр узунликдаги каналларда, 193 километр лоток тармоқларида, 42 та гидротехник иншоотда, умумий қуввати 32,9 м³/с бўлган насос станцияларида, 323 миллион м³ сигимли сув омборларида қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг ахборотида қайд этилдики, замонавий сугориш техника ва технологияларини жорий этиш борасида ўтган йиллар давомида республика бўйича 18,5 минг гектар майдонга томчилатиб сугориш тизими, 18,4 минг гектар эрга эгилувчан қуварлар ёрдамида сугориш тизими, 16,3 минг гектар майдонда эгاتларга плёнка тўшаб сугориш усуллари жорий этилиб, улардан самарали фойдаланиб келинмоқда.

Депутатлар вазирлигининг мазкур соҳадаги фаолиятини амалга оширишда мавжуд имкониятлардан янада кенгроқ фойдаланиш, вазирлик тизимидаги мутасадди идораларнинг масъулия-

тини ошириш лозимлигини, давлат бюджети ҳисобидан ажратилаётган маблағлардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга эришиш, соҳага чет эл инвестицияларини кенгроқ жалб қилиш, шунингдек, мамлакатимизда сувни тежайдиган бошқа замонавий сугориш технологияларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган амалий ишларни янада кучайтириш, мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш зарурлигини қайд этди.

Муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар инобатга олинган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг ахборотини маълумот учун қабул қилди.

Парламент сўрови якунлари бўйича Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик
палатасининг
Ахборот хизмати.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Анжуман

АЁЛЛАР ИШЛИ
БЎЛИШДИ

Пойтахтдаги "Radisson SAS" меҳмонхонасида олис ҳудудларда яшовчи хотин-қизларни касбга ўқитиш йўли билан бандликларини таъминлашга оид муҳим ижтимоий лойиҳани амалга ошириш якунларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон "Тадбиркор аёллар" уюшмаси, ОБСЕ-нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Хотин-қизлар кўмитаси амалга ошираётган кенг қўламини ушбу лойиҳадан мақсад ўзлари ёқтирган касбини эгаллаш ва тадбиркорлик фаолиятларини ривожлантириш истидагида аёлларга зарур билим бериш ва керакли ахборотлар билан таъминлашдир. Ҳуқуқ дастурлари нонбулочка ёпиш ва қандалатлик, бичиш-тиқиш, миллий кашаничилик ва сарфдорлик санъати йўналишларида олиб борилади. Республикада жами 195 аёл шу йўл билан касб ўрганишида ва бизнес малакаларини оширишди. Уларнинг кўпчилиги айлани пайтда янги эгалланган касблари бўйича ишга жойлашдилар. Шунингдек,

ўқитиш тугатган аёлларнинг 17 фоизи шахсий тадбиркорлик фаолиятларини бошладилар.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланиб, ишбилармон ва фаол аёллар учун бу соҳада барча шарт-шароитлар яратилди, энди улардан самарали фойдаланиш мумкин ва лозим, – дейди вилоят "Тадбиркор аёллар" уюшмаси раҳбари Малика Қодирхонова. – Уюшмамизга вилоят бўйича 1735 тадбиркор аёл бирлашган. Улар саффи кенгайиб бормоқда. Фермерлик билан шуғулланаётган аёлларимиз 250 дан ошди.

Уюшма 2016 йилда аёл тадбиркорларни қар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор йирик лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирган.

Ўз муҳбиримиз.

Кўрик-танлов

«МАҲАЛЛА – МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА»

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди ташаббуси билан халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, "Камолот" ЕИҲ, "Нуроний" жамағармаси, республика Маънавият-тарғибот маркази вилоят бўлими, маҳаллий оммавий ахборот воситалари ҳамда соҳа мутахассисларидан иборат таркибда кўрик-танлов ташкилий кўмитаси тузилиб, жойларда танловларнинг юқори савияда ўттиши таъминланди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ТЕЖАЛГАНИ НАҚД ФОЙДА

Замонавий техника ва технологиялар ривож энергияга бўлган эътиборни кучайтирмоқда. Бу эса

ўз-ўзидан энергияни тежаш ва оқилона фойдаланишни талаб қилмоқда.

Республика Президентининг "2015-2019 йилларда иқтисодий тармоқлари ва иқтимоий соҳаларда энергияни тежовчи технологияларни жорий этиш, энергия ҳақларини қисқартириш Дастури тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида "Ўздавнефтегаз-инспекция" ва "Ўздавэнергия-назорат" давлат инспекцияси ҳамкорлигида мақсадли дастурлар, иқтисодиёт тармоқлари ва иқтимоий соҳа-

ларда энергияни тежовчи технологияларни жорий этиш, энергия ҳақларини қисқартириш бўйича ташкилий-техник тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, янги қуриб, ишга туширилган бино ва иншоотларнинг энергия сарфини ва унинг ресурслари ҳисобини замонавий электрон ҳисобга олиш ускуналари билан जोхрозлаш асосида шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари норматив ҳужжатлари қайта

қуриб чиқилмоқда. Бундан ташқари, энергияни тежовчи технология жўллар параметрлари, халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда қўллама яратилмоқда.

Мажбурий энергия тежашуруларини ўтказадиган қорхона ва ташкилотларни аниқлашга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, 2018 йил 1 январдан бошлаб энергия истеъмолчиларнинг автоматик ҳисобини юритиш тизими билан боғ-

лиқ ишларни таъминламаган, замонавий электрон ҳисоблашчилар ўрнатмаган ҳўжалик юритувчи субъектлар ва юридик шахсларга энергия ресурслари (табиий газ) етказиб беришни таққиллаш чора-тадбирлари режалаштирилмоқда. Унда бириктирилган энергия ресурсларини ишлаб чиқаришда, бириччи навбатда табиий газ қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва узатишда, шу жумладан, йўлдош газлардан (утилизация) фойдаланишни йўлга қўйиш, шунингдек, электр энергияси ишлаб чиқариш, узатиш ва фойдаланишда йўқотишларни қисқартириш, энергия ресурслари истеъмолчилари бўлган йирик саноат қорхоналарини мажбурий

Муносабат

ЁШЛАРГА НАМУНАМИЗ

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури асосида бизларга кўрсатилган эътибордан жуда миннатдоримиз. Вилоти-мизда ҳам 289 минг нафар пенсионер, шу жумладан, 297 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 4720 нафар 1941-1945 йиллар-

(Давоми. Боши 1-бетда).

даги фронт орти меҳнат фахрийлари, 105 нафар 100 ёш ва ундан ошган қарияларга давлатимиз томонидан ҳар ойда пенсияларига қўшимча энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдориди устама тўлов берилгани кексаларни эъзозлашнинг амалий исботидир.

2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши бежиз эмас. Давлатимиз раҳбари юртимиз келажагини ўйлаётганини англаб турибмиз. Бу вазифаларни амалга ошириш биз, нуронийларга ҳам катта масъулият юклайди. Ишонч билан айтаемизки,

вилотиимиз нуронийлари бу масъулиятни тўлиқ англаган ҳолда бор куч-гайратларини, тажрибаларини ишга солиб, вилоят ахлига, хусусан ёшларга намуна бўладилар.

Нурмуҳаммад
АБДУЛЛАЕВ,
"Нуроний" жамағармаси
вилоят бўлими раиси.

БУГУНГИ ЎҚУВЧИ — ЭРТАНГИ МУТАХАССИС

Энг муҳими, коллежларда Ўзбекистон Республикаси "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги ҳамда "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонунларининг ижросини таъминлаш яхши йўлга қўйилган.

Техника-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи мукаммал таъмирланиб, ўқув хоналари

(Давоми. Боши 1-бетда).

замонавий қиёфа касб этди. Коллежда 2 та компьютер синфи, мультимедия тренинг, 4 та лингафон, 2 та ўқув ва лаборатория хоналари керакли ускуналар билан жиҳозланган.

Президентимиз фармонида биноан ўқитувчи Зокиржон Турдиматов "Фидокорона хизматлари учун" орденига сазовор бўлди.

Алишер ДАДАБОВЕВ,
техника-иқтисодиёт
касб-ҳунар коллежи
директори, шахар
касб-ҳунар коллежлари
координатори.



Семинар

ҚОНУНЛАР ВА УЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

"Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", "Электрон ҳукумат тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида", янги тахрирдаги "Ветеринария тўғрисида" ва "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилга мўлжалланган Давлат бюджетини, давлат мақсадли жамағармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, 2016 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури, шунингдек, республика Бош прокуратурининг қонунлиқни мустаҳкамлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш бўйича қўрилаган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботининг мазмун-моҳияти, мақсади ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумот беришди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республика-

си Конституцияси қабул қилинганлигининг йиғирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги ҳужжатда аёллар, вояга етмаганлар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет давлатлар фуқаролари, шунингдек, фуқароларнинг бир қатор бошқа тоифаларини жазодан озод этиш назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини, давлат мақсадли жамағармаларининг бюджетлари ҳамда 2016 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида иқтисодиётни янада ислох қилиш, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар мувозанатини сақлаш, хусусий мулкчилик аҳамиятини тубдан ошириш, хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш юзасидан республика Президентини таъминлаш дастури, шунингдек, республика Бош прокуратурининг қонунлиқни мустаҳкамлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш бўйича қўрилаган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботининг мазмун-моҳияти, мақсади ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумот беришди.

Бюджет – солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, келгуси йилнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ялпи ички маҳсулотни 7,8 фоизга оширишни назарда тутди.

2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида туман ва шаҳарлар кесимида коллеж битирувчиларини ҳисобга олган ҳолда иш

ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг параметрлари белгилаб олинди. Аҳоли, жумладан, аёллар, ногиронлар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтожлар, айниқса, ёшларни ишга жойлаштириш ва тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилишнинг янги усуллари билан фойдаланиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби принципларни мустаҳкамлашди.

Қонунда электрон хизмат кўрсатувчи Вазирлар Маҳкамаси, марказ ва жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ваколатлари, вазифалари, шунингдек, фуқаролар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқлари, "электрон ҳукумат" фаолиятининг тартиби, асосий инфратизимлари белгиланди.

Семинар сўнггида Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари ҳамда шундай семинар ва учрашувларни ўзлари сайланган ҳудудлардаги барча қорхона ва ташкилот, фуқаролар йиғинлари, таълим муассасаларида мунтазам ўтказиш вазифаси юклатилди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

101 огоҳлантиради

ЁНГИН БЕПАРВОЛИКДАН ЧИҚАДИ

Бўлимимиз "Ёнгин хавфсизлиги ойлиги" давомида қатор тадбирлар уюштирди. Хусусан, ёнгинларнинг аксарияти аҳоли тураржойларида содир бўлаётгани боис ёнгин назорати ходимлари ва профилактика

инспекторлари маҳалла фуқаролар йиғинлари, газ ва электр идоралари мутахассислари билан ҳамкорликда аҳоли тураржойлари, кўп қаватли уйлар хонадонларининг ёнгинга қарши ҳолатини қўздан кечиришди.

Афсуски, айрим фуқароларнинг ёнгин хавфсизлиги талабаларига эътибори тўғрисидаги таълимий маълумотларни аниқлашда қўйиш ва газ мосламалари мавсумдан олдин таъмирланмагани, иситиш печлари дудбуронлари тозаланмагани, баъзи хонадонларда ўзбошимчилик билан турли хил иситиш печларини ўрнатиш, газ ускуналари

ни бошқа жойга қўчириш ва носоз электр ускуналаридан фойдаланиш ҳоллари аниқланмоқда.

Ёнгин хавфсизлиги ойлигини тартибли ўтказиш, фуқароларни ўт ўчириш техникалари ва бирламчи воситалар билан таништириш мақсадида таълим муассасалари ва маҳаллаларда ўт ўчириш техника-

Тузатиш
"Тошкент ҳақиқати" газатасининг 2015 йил 16 декабрь, 100-сониди эълон қилинган "Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иж-

тимойи соҳа объектларига видеокузатув ускуналарини ўрнатишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Тошкент вилояти ҳокими қарорининг 10-бандидаги "Ички ишлар бош бошқармаси" сўзлари "Ички ишлар бошқармаси" деб ўқилсин.

Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

ҚАДИМИЙ ҚИШЛОҚ СИРЛАРИ

Тошкент воҳаси тарихий ёдгорликлари ҳақидаги ҳикоямизни давом эттириб, шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, вилоятимиз аҳолисининг бу мавзуга қизиқиши ниҳоятда баланд. Бу биз каби соҳа мутахассисларини гоят қувонтиради ва руҳлантиради. Зеро, "Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат" руқни остидаги изчил қизиқишимиздан бош мурдаамиз ҳам муштарийларда зўр қизиқиш ва қизғин акс-садо, қолаверса, маданий бойликларимизни асрашга амалий ҳисса қўшишда иштирок этишга иштиёқ уйғотишди.

Сиз билан биз яшаб турган ушбу қурраи замин осмон, ҳаво ва сув каби муқаддасдир. Зеро, булар, Яратганнинг инояти билан сизу бизга ҳаёт бахш этади. Ва мерос дея аталмиш яна бир неъмат ҳам борки, унинг қадр-қийматини аниқлаш ва бусбутун асраш учун шарт-шароит мавжуд бўлганда, авлодлар кетма-кетлиги халқнинг Ватан дея аталмиш буюк дунёси шаклланишининг энг муҳим омилларидан бири бўлганда боқийликка айланади.

...Оққўрғон туманида ўлкамиз ҳаётига оид буюк тарихий воқеалар билан боғлиқ жойлар оз эмас. Биз Қанқа ва Шохруҳиядан топишган ноёб қазилма буюмлари ҳақида кўп ҳикоя қилимиз. Бу галги ҳикоямиз "Истиқбол" маҳалласидаги Камаргон бува муқаддас қадимжоси ҳақида.

Камаргон Оҳангарон



Халқ орасида шундай афсона юради. Марказий Осиёга Шарқдан келган Қутайба ибн Муслим бу ерда, дарё соҳилида қурол-яроғлари ва камарини ечгани боис бу жой "Камаргон" деб атала бошлади.

Ва яна шу нарса тарихдан маълумки, узоқ ўтмишда, тахминан минг йиллар илгари ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига жуда бой бу жойларда овчилар эпчиллик ва камондан ўқ отиш бўйича мусобақалашиб туришган. "Камон" сўзи бу жойнинг атамасига хос бўлган.

Афсона ва ҳақиқатлар халқнинг қалб бойлиги ва кенг тасаввурининг яққол исботидир. Бундай ҳислат яшаш ва маънавий бойликларни

ҳимоя қилишга ёрдам берган.

Бу аjoyиб жойларни аҳоли ҳозир ҳам худди қадимгидек юксак қадрлайди. Ушбу қадимжоларга қўшни туман, ҳатто, вилоятлардан ҳам зиёратчилар келиб туришади. Негаки, бу ерда ушбу аҳоли турар-жойига асос солган қадимий қишлоқнинг қабрлари сақланиб қолган. Катта тепалик қўриқлигида қадимий қабристонлар ҳануз қўл теккизилмаган ҳолда турибди ва Камаргонда яшовчи ҳар бир одам ушбу кенгликлар муқаддас қадимжоларни яхши билади.

Қадимда Камаргонда яшаган улкан илон ҳақидаги афсона халқ ора-

сида сақланиб қолган: "Кунларнинг бирида дарёдаги сув камайиб, пировардида қуйи оқимга етиб боролмай қолган. Одамлар тўралар уруғи оқсоқоли ҳузурига илтижо билан келишган. Қариялар ибодат қилишга тутунишган. Бир пайт одамлар кўз ўнгига улкан камар пайдо бўлиб, дарё суви шу ўпқонга кетаётгани маълум бўлган. Шу онда қаёқдандир баҳайбат илон пайдо бўлиб, бутун танаси билан қулча ҳолида ўпқоннинг оғзини ёпган. Шундан сўнг дарё суви илгаригидек, тўлиб-тошиб оқа бошлади. Дала-дашт ва бог-роғлар қайтадан гуллаб, яшнабди. Халиги ўпқон ҳам, баҳайбат илон ҳам ғойиб бўлибди".

Аммо, ўша улкан илон ҳали-ҳануз одамларга ўзини эслатиб туради. Уни жуда кўп одамлар қўришган ва бу тўқнашув ҳақида бошқаларга ҳаммасини оқизмай-томизмай, ҳикоя қилиб беришади. Илон ҳеч қачон, ҳеч қимга зийн-заҳмат етказмаган. Шу боис ерлик аҳоли уни Камаргоннинг қўриқчиси ҳисоблайди. Камаргон тепаликларни жуда кўп сир-синоатларни қазрида яшириб келмоқда. Гоҳ у, гоҳ бу жой-

да қуллоқчилик буюмлари синиклари, қолдиқлари кўзга ташланиб туради. Кўплаб шундай топишмалар Х асрга тегишли. Бу эса, минг йилдан кўпроқ вақт бурун ҳам Камаргонда ҳаёт қайнагани ва ҳунармандчилик барқ уриб ривожланганидан далолат беради. Топилмалар шу қадар кўпки, бу ҳолат ушбу масканда илмий-тадқиқотлар ўтказиш зарур деб ҳисоблаш учун асос бўла олади.

Ҳамон одамлар бу қишлоқни Камаргон бува деб атаётган экан, қадим замонлардан буюн буюк инсонлар ҳоқи абадий қўним топган жойни ота-боболардан қолган бошпана дейиш мумкин.

Камаргонда яхши одамлар яшайди. Бу ердаги тозалик ва озодлик маҳаллий аҳолининг ўз муқаддас қадимжоларини авайлаб-асрашга ҳаракат қилаётганларидан далолат беради. Шу боис бўлса керак, қишлоқда яшовчи ҳар бир ёш Камаргон ҳақида кўп нарса билади ва бу ҳақда фахр-ифтихор билан гапирди.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,
халқаро "Олтин мерос"
хайрия жағфармаси
вилоят бошқармаси
бошлиғи.

ЭЪЛОН

"TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичида-босқичи ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Очик аукцион савдоларига фермер ҳўжаликлари ташкил этиш ва туман ҳўқимлиги билан ер майдонида бўлган ҳўқуқ бўйича ижара шартномаси тузиш шарти билан туман заҳира ерлари ҳисобига олинган қўйидаги "узумзор" ва "боғзор"лар қўйилмоқда:

1. Зангиота тумани, "Чувалачи" ҚФЙ, "Навоий Миришкор" агрофирмаси ҳудудида фаолият юритаётган "ALYOR FAYZ-BARAKA" фермер ҳўжалигидан туман заҳира ерлари ҳисобига олинган жами 32,85 гектар ер майдонида 227к-контурда жойлашган жами 14,63 гектар, шундан 10,85 гектар ер майдонидаги "узумзор", бошлангич баҳоси 22 405 000 сўм.

2. Зангиота тумани, "Келес" шаҳри "Абдурахмонов мева-узум" агрофирмаси ҳудудида фаолият юритаётган "TAMARAXON-ZIYO-NUR" фермер ҳўжалигидан туман заҳира ерлари ҳисобига олинган жами 17,26 гектар ер майдонида 78к, 71, 77-контурларда жойлашган жами 8,36 гектар, шундан 6,81 гектар ер майдонидаги "боғзор", бошлангич баҳоси 14 204 000 сўм.

3. Зангиота тумани, "Келес" шаҳри "Абдурахмонов мева-узум" агрофирмаси ҳудудида фаолият юритаётган "JAVONIR FAYZ-BARAKA" фермер ҳўжалигидан туман заҳира ерлари ҳисобига олинган жами 21,4 гектар ер майдонида 121-контурда жойлашган жами 12,48 гектар, шундан 11,6 гектар ер майдонидаги "боғзор", бошлангич баҳоси 35 713 000 сўм.

4. Зангиота тумани, "Келес" шаҳри "Абдурахмонов мева-узум" агрофирмаси ҳудудида фаолият юритаётган "ABDUMIN OLIM FAYZ" фермер ҳўжалигидан туман заҳира ерлари ҳисобига олинган жами 22,71 гектар ер майдонида 50, 118к-контурларда жойлашган жами 11,0 гектар, шундан 13,2 гектар ер майдонидаги "боғзор", бошлангич баҳоси 17 635 000 сўм.

5. Зангиота тумани, "Ғишқўприк" агрофирмаси ҳудудида фаолият юритаётган "ZAMIRA MANGU" фермер ҳўжалигидан туман заҳира ерлари ҳисобига олинган жами 14,62 гектар ер майдонида 349, 368-контурларда жойлашган жами 4,03 гектар, шундан 3,64 гектар ер майдонидаги "боғзор", бошлангич баҳоси 9 995 000 сўм.

6. Зангиота тумани, "Келес" шаҳри "Абдурахмонов мева-узум" агрофирмаси ҳудудида фаолият юритаётган "XUDAYOR-BOG'BON" фермер ҳўжалигидан туман заҳира ерлари ҳисобига олинган жами 18,69 гектар ер майдонида 88к, 81к, 84, 86, 82, 93, 80-контурларда жойлашган жами 7,62 гектар, шундан 1,0 гектар ер майдонидаги "боғзор" ва 5,3 гектар ер майдонидаги "узумзор", бошлангич баҳоси 82 984 000 сўм.

7. Зангиота тумани, "Туркистон" ҚФЙ, А.Ихромов массиви ҳудудида фаолият юритаётган "Шодномий ҳўмо" ва "Абидов Азизхон" фермер ҳўжаликларида қисман туман заҳира ерлари ҳисобига олинган (3-лойиха) 402, 31, 32, 33, 34, 35к, 41к-контурларда жойлашган жами 9,83 гектар, шундан 7,80 гектар ер майдонидаги "боғзор" ва 0,80 гектар ер майдонида жойлашган "узумзор", бошлангич баҳоси 5 683 000 сўм.

8. Зангиота тумани, "Келес" шаҳри "Абдурахмонов мева-узум" агрофирмаси ҳудудида фаолият юритаётган "XUSNIDDIN FAYZ BARAKA" фермер ҳўжалигидан туман заҳира ерлари ҳисобига олинган жами 22,91 гектар ер майдонида 176, 182, 185-контурларда жойлашган жами 11,73 гектар, шундан 10,5 гектар ер майдонидаги "боғзор", бошлангич баҳоси 25 080 000 сўм.

Очик аукцион савдоси 2016 йил 18 январь куни соат 15 00 да Зангиота тумани ҳўқимияти биносида бўлиб ўтади. Ушбу кунда сотилма қолган "узумзор" ва "боғзор"ларнинг такрорий савдоси 2016 йилнинг 2 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагани билдирган шахслар "Заказат пули тўғрисидаги қелишув"ни имзолагандан сўнг, объект бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги заказат пулини "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖнинг "Ипак йўли" АИТВ Тошкент шаҳар Мировод филиалидаги 20208000804876496001 ҳисоб рақамига, МФО 01101, СТИР 301 743 808 тўлашлари лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳўжатларни топшириши керак:

- юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги ғувоҳнома; нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Маъмур ҳўжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кўнида соат 9.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Бухоро кўчаси, 10-ўй, 1-қават, 16-хонада қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru ёки 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

RR - № 0008.

Хангома

Бугун Янги йил оқшоми. Мирали пиённинг боши қотган. Мастликда: "Байрамга арча олиб келаман", деб болаларига ваъда берганди. Шунданми, тун билан игна устида ётгандек, мижжа қоқмади.

Мана энди саҳармардондан боши гум. Чайкала-чайкала ховлига чиқди. Молхона томонда хотини кўймаланиб юрибди. Унга кўринмай, жуфтаник рост-ламоқчи эди, бўлмади:

— Хой, дадаси, саҳармардондан қайқа отландингиз? Арча баҳона берганми... — Ахир болаларга ваъда берганми...

— Сизда лафз борми? Уч кундан бери арча баҳона уйдан чиқиб кетасиз. Оқшомда араққа бўкиб, куруқ қайтасиз.

— Нималар деб алжираяпсан, болаларни алдаб бўладими? Бугун уйга арчасиз қайтмайман. Гап тамом-вассалом!..

Мирали пиён қишлоқ дўқони олдида болалик дўсти Ҳасан "кайфий"га дуч келди. У эрталабдан бир шиша арақни қўтиқлаб олганди. Мирали пиёнга қўзи тушиб, йўқотган нарсасини топган боладек хурсанд бўлиб кетди:

— Э-э, бормисан ошна. Намунча ерга кўмилган хазинадек кўринмай кетдинг? Хай майли, қани юр, чойхонага кирамиз. Мана, арақнинг "дода"сини олдим. Икки сикх қабоб

газакка кифоя. Бир маза қилиб отамлашамиз. Ахир бугун байрам...

Унинг бу таклифи Мирали пиёнга мойдек ёқди.



Чунки шу топда унинг ҳам боши тарс ёриламан дерди.

Исмат чойхоначи икки сикх қабоб келтирди. Улфатлар шишадаги арақни бир зумда "ағдарди". Ичлари қизиб, дардлаша бошлашди. Кайфи ошиб қолган улфатлар кеч тушиб қолганини ҳам пай-

қашмади.

— Э, ошна, болаларга арча олиб бераман деб ваъда қилгандим, "тақдир азал" сен билан уч-

Бу гап Мирали пиённинг болаларига берган ваъдасини яна ёдига туширди.

— Хей, ошна, боя арчанинг "дода"сини "ест" қилиб бераман, деб мактангинингиз? Энди шу ваъдангиз бажар. Мен ҳам уйга ёруғ уз билан борай.

— Мен зўр "операция" ўйлаб қўйганман. Қани юр ортимдан. Сенга арчанинг ўйинчоқлар билан яратилганини топиб бераман.

Икки ошна қишлоқ мактаби ховлисига кириб боришди.

— Ана қара, арчамисан арча! Ўйинчоқлари билан олиб кетамиз, — деди сўйлоқ тишларини ғирчиллатиб Ҳасан.

— Вей, аҳмоқ, нималар дейсан? Бирортаси кўриб қолса, шарманда бўламиз-ку!

— Намунча қўрқасан? Ҳозир ҳамма уй-уйида байрамга тайёргарлик билан олинган. Ана, мактаб қоровули ҳам уйкуни уриб ётибди. Ишни хамирдан қил суғургандек "ест" қиламиз.

Улар эндигина арчага қўл чўзишган ҳам эди-ки, маҳалла посбони етиб келди. У мактабга кечагина ўрнатилган видеокузатув камераси орқали арча ўғирларини кўриб қолганди. Посбон ширақайф улфатларни тегишли жойга олиб кетди.

Ачинарлики шуки, Мирали пиённинг болалари бу йил ҳам байрамни арчасиз ва отасиз кутиб оладиган бўлишди.

Латифжон МАНСУРОВ.



ЎТТИЗ ОЛТИ ЙИЛДАН СЎНГ...

Корея Халқ Демократик Республикаси Меҳнат партиясининг навбатдаги съезди 2016 йилнинг майидан октябрга оғибга кўчирилгани ҳақида хабар тарқатди Корея марказий телеграф агентлиги.

Орадан 36 йил ўтиб, қақираладиган ушбу съезд очи-лишига кенг қўламада олиб борилаётган модернизация-лаш тадбирлари тўлалигича охирига етказилишини маълум қилди Меҳнат партияси ҳамда мамлакат раҳбари Ким Чен И. Умуман олганда, ушбу партиянинг навбатда-ги съезди орадан 36 йил ўтиб қақиралаётгани шу йил октябрга оғибга маълум бўлган эди. Меҳнат партияси Марказий Комитети Сийёсий бюроси навбатдаги VII съезд-ни "гуллаб-яшнаётган социалистик давлатни барпо этиш" мақсадида ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Бироқ, съезднинг кун тартибига киритиладиган масалалар ҳақида аниқ маълумот билдирилмади.

Шу йил октябрга оғибга Кореяда Меҳнат партияси таш-кил этилганининг 70 йиллигига бағишланган тантанали тадбирлар ўтказилди. У умумхалқ байрами сифатида ташкил этилди.

Меҳнат партияси низомига мувофиқ, унинг съездлари камида 5 йилда бир марта ўтказилиши лозим. Партия ҳамда давлат раҳбари Ким Чен И учун бу ҳаётидаги биринчи съезд бўлади. Шимолӣ Кореянинг бугунги доҳийси 1982 йилда тутилган.

ХАЛҚ РУССЕФДАН НОРОЗИ

Бразилия аҳолисининг 82 фоизи мамлакатнинг ҳозирги президенти Дилма Руссеффнинг фаолият-ини қоникарсиз деб баҳоламоқда.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва статистика инсти-туту Саноат миллий конфедерациясининг буюртмасига мувофиқ ўтказган сўровнома натижалари шундан дало-лат берди. Бугунги кунда Руссеффнинг миллат етакчиси сифатидаги сазй-ҳаракатларини биро-йўғи 14 фоиз браз-илияликлар маъқуллашмоқда. Умуман, ижроня ҳокимия-ти фаолияти масаласига келсак, тадқиқотда қатнашган 70 фоиз иштирокчи мамлакат раҳбари фаолиятини "ёмон ёки жуда ёмон", 20 фоизи эса "ўртача" деб баҳолади.

"Кейинги 9 ой давомида ўтказилган сўровларнинг натижалари бир-бирига жуда ўхшаш, — деди Саноат миллий конфедерацияси вакили Ренату ди Фонсека. — Бемалол айтишим мумкинки, ушбу натижа президент-нинг нуфузига таъсир қилгани йўқ. Чунки 9 ойдан буюн халқнинг ушбу масаладаги фикри барқарор бўлиб ту-рибди".

ҚОЧОҚЛАР 1,5 МИЛЛИОНГА ЕТДИ

Европа Иттифоқи мамлакатларига оқиб келаёт-ган яширин кўчманчилар бу йил мисли қўрилмаган даражада кўпайиб, 1,5 миллион кишига етганини маълум қилди Еврокомиссия раҳбари ўринбосари Франс Тиммерманс.

Тиммерманснинг таъкидлашига қараганда, ушбу ра-қаъ 2014 йилдагига нисбатан бир неча баравар кўпиди. Кўчманчилик, ички ишлар ва фуқаролик масалалари бўйича еврокомиссар Димитрис Аврамопулоснинг баё-нотида қараганда Европа чегара агентлиги бугунги вази-ти туфайли юзага келган таҳликали ҳолатни баҳолайди ва "Европа Иттифоқи мамлакатларига чегараларни қўрқ-лашни қучайтириш бўйича бажарилиши шарт бўлган тавсиялар беради". Аврамопулос Европарламентда Ев-рокомиссиянинг бугун амалда бўлган ва Европа Итти-фоқи мамлакатлари ўртасидаги ҳаракатларни мувофиқ-лаштиришни таъминлаётган Frontex агентлиги базасида чегара ва соҳил қўрқлаш хизматини ташкил этиш юза-сидан янги таклифлар тақдим этди. "Ушбу янги хизмат хатарли вазиатга баҳо беради ва Европа Иттифоқи ма-млакатларига чегараларни қўрқлашни қучайтириш бўйи-ча ижроси мажбурий тавсиялар киритади, — деди у. — Агентлик ўз ҳодимларини аъзо мамлакатлар талаби, шунингдек, агар зарурат туғилса, ўзининг шахсий каро-ри билан Европа Иттифоқининг ташқи чегараларида жой-лаштириш ҳуқуқига эга бўлади". Янги хизмат таркибига 1,5 миллион ходим киритилади.

АУКЦИОНДА ТЭТЧЕРНИНГ КЎЙЛАГИ

Британия собиқ бош вазири Маргарет Тэтчер-нинг (1925-2013) кийим-бош ва буюмлари Лондонда уюштирилган аукционда жами 4,97 миллион дол-ларга сотилди.

Оқ бошли Америка сув бургутининг мўъжазгина ҳай-калчаси энг қимматга — 404 минг долларга сотилди. Гап шундаки, ушбу ҳайкалчини 1984 йил 13 июнь куни Американинг собиқ президенти "Энг эзгу ниятлар би-лан Рональд Рейгендан" деган ёзув билан совға қилган эди. Қимматлиги жиҳатидан иккинчи ўринни олган, му-ҳим давлат ҳужжатлари сақланмаган ва олиб юрилади-ган қизил рангли бош вазирилик портфели 365 минг долларга сотилди. Бу аукционда қўйилган дастлабки қийматидан 60 баравар юқоридир. "Темир хоним"нинг яна бир эътиборли буюми — парламент ридоси нархи қиммоди савдосида 2700 доллардан бошлашиб, пирова-рдига 123 минг долларга чиқди.

Маргарет Тэтчернинг 1951 йилда кийган тўй қўйлаги аукционда биринчи бўлиб сотилди. Уни харид қилган номаълум шахс 37,6 минг доллар тўлади.

Тэтчер оиласи собиқ бош вазирининг шахсий нарсала-рини Лондондаги музей ўз архивига қабул қилишдан бош тортганидан сўнг қиммоди савдосига қўйиб, со-тишга қарор қилди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

қилишга ўтди. 2014 йилнинг 14 июнь куни уй эгалари йўқлигидан фойдаланиб, Т. Рўзиеввага ҳужум қилди. Жабрланувчига турли дара-жада тан жароҳати етказиб, шафқатсизларча бўғиб ўлдирди ва марҳумага те-гишли бўлган 750 000 минг сўм пул ҳамда "Artef" русу-мидаги уяли телефон аппа-ратини олиб, ғойиб бўлди.

Эгри йўлни касб қилган Э. Султонов энди умрининг кўп қисмини панжара орти-да ўтказди. Унинг мазкур жиноий қилишлари жино-

ят ишлари бўйича вилоят судида қўриб чиқилди. Фи-рибгар ва товламачи бу кимса шафқатсизларча қотиллиги ва ўзгалар мул-қини талон-торож қилгани учун Ўзбекистон Республи-каси Жиноят кодексининг 59-, 61-моддаларига асосан 20 йил муддатга озодлик-дан маҳрум этилди.

Акмал ОЛИМОВ,
вилоят прокуратураси ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бўлими алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳўқимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулла

АБДУШОҲИДОВ

Маълумлики:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Электрон почта:

thaqiqat@uamail.uz

Телефонлар:

Қабулхона:

233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).

Бўлим муҳаррирлари ва

муҳбирлар:

233-38-23, 233-48-08.

Шартнома ва эълонлар:

Ҳисоб-китоб бўлими:

233-56-03, 233-65-59.

233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва са